

Салафи солиҳлар илм ҳақида...

15:26 / 22.04.2017 4139

Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу Камил ибн Зиёдга шундай дедилар: “Эй Камил, илм сени қўриқлайди. Молни эса сен қўриқлайсан. Илм ҳоким, мол эса маҳкумдир. Мол, сарфлаш билан тугайди, илм эса сарфлаш билан кўпаяди”.

Абул Асвад раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Илмдан кўра азизроқ нарса йўқ. Подшоҳлар одамлар устидан ҳокимлик қилсалар, уламолар подшоҳлар устидан ҳокимлик қиладилар”.

Ибн Муборак раҳимаҳуллоҳдан сўрашди: “Ҳақиқий инсонлар деб кимларни айтилади?” У киши жавоб бердилар: “Олимларни”. Яна сўрашди: “Подшоҳлар деб кимларни айтилади?” Жавоб бердилар: “Зоҳидларни”. Яна сўрашди: “Пасткашлар кимлар?” У зот жавоб бердилар: “Дин эвазига дунё еганлар”. У киши олимлардан бошқаларни инсон демаганларини қуйидагича шарҳлашган: “Инсон ҳайвонлардан битта хусусият билан ажралади ва афзал саналади. Ўша хусусият ақлдир. Ақл эса илм билангина юзага чиқади, кўринади”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар: “Кечанинг бир қисмида илмни музокара қилишим мен учун ўша кечанинг ҳаммасини бедор ўтказишдан яхшироқдир”.

Ҳасан раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Уламоларнинг сиёҳлари шаҳидларнинг қонлари билан ўлчанади. Шунда уламоларнинг сиёҳлари устун келади”.

Баъзи муфассирлар “«Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин)” оятидаги “бу дунёдаги яхшилик”ни илм ва ибодат деб, “охиратдаги яхшилик”ни жаннат деб тафсир қилишган.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: “Одамлар таом ва ичимликдан кўра кўпроқ илмга муҳтождирлар. Чунки, киши бир кунда таом ва ичимликка бир-икки марта эҳтиёжи тушади. Илмга эса олиб-чиқараётган нафаслари миқдорича муҳтож бўлади”.

Баъзи улуғлар айтишган экан: “Ким дунёни истаса илм ўргансин. Ким охиратни истаса илм ўргансин. Ким иккаласини ҳам истаса илм ўргансин”.

Аллома Юсуф Қаразовийнинг
“Раббоний ҳаёт ва илм” китоби асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади